



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 29 » aprel

№ 242

Toshkent sh.

### Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқувчиларини педагог касбига мақсадли тайёрлаш ва битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқувчиларини педагог касбига мақсадли ва узлуксиз тайёрлашнинг янги тизимини яратиш орқали педагог кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024/2025 ўкув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда ҳар бир вилоятда биттадан умумий ўрта таълим муассасаларида (кейинги ўринларда – мактаблар) 10–11-синф ўқувчиларини педагог касбига тизимли тайёрлаш учун педагогик синфларни тажриба-синов тариқасида ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

#### 2. Белгилансинки:

педагогик синфларни тажриба-синов тариқасида ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини самарали йўлга қўйиш жараёнлари мактабларда тегишли ҳудуддаги педагогика олий таълим муассасасининг иштирокида амалга оширилади;

илғор хорижий тажрибалар асосида педагогик синфлар учун алоҳида ўкув дастури ишлаб чиқилади;

педагогик синфларни тамомлаган битируvчиларга Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартағи 140-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомга мувофиқ шаҳодатнома ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий малакалар рамкасининг 2-даражасидаги мактабгача таълим ташкилотларида тарбиячи ёрдамчиси касби бўйича ишлаш хукуқини берувчи давлат намунасидаги сертификат берилади;

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети педагогик синфлари ташкил этилган мактаблар ва бириктирилган педагогика олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга методик ёрдам кўрсатади.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Умумий ўрта таълим муассасаларида педагогик синфларни ташкил этиш ва битиувчилари бандлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан:

педагогик синфларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини самарали йўлга қўйиш;

умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари ҳамкорлигини кучайтириш;

педагогик синфлар битиувчиларига тегишли касб бўйича ишлаш хуқуқини бериш.

4. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

**а) бир ой муддатда:**

тажриба-синов тариқасида педагогик синфларни ташкил этиладиган мактаблар ва уларга бириктирилган педагогика олий таълим муассасалари рўйхатини тасдиқласин;

педагогик синфларда дарс берадиган педагогика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари таркибини шакллантирсив ва уларни хорижий давлатларда малакасини ошириш чораларини кўрсив, бунда хизмат сафари билан боғлиқ харажатларни тегишли педагогика олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан қопланиши белгилансин;

**б) икки ой муддатда** педагог кадрлар тайёрлаш соҳасида юқори натижаларга эришган илфор хорижий тажрибаларни ўрганиб, яхши самара берган методикалар асосида педагогик синфлар учун ўқув дастурини ҳамда педагог касбига лаёқати ва қизиқиши мавжуд ўқувчиларни аниқлаш ва шу касбга йўналтириш методологиясини ишлаб чиқсин;

**в) уч ой муддатда** бириктирилган мактабларнинг 9-синф ўқувчилари орасидан педагог касбига лаёқати ва қизиқиши мавжуд ўқувчиларни педагогик синфларда ўқишига танлаш ишларини ташкил қиласин;

**г) 2024/2025 ўқув йилига қадар** хорижий давлатларнинг нуфузли таълим ташкилотларида малакасини оширган профессор-ўқитувчилар иштироқида педагогик синфлар учун тасдиқланган ўқув дастури асосида ўқув адабиётларини ва тарқатма материалларни тайёрласин, бунда харажатлар Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Таълим соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари хисобидан молиялаштирилсин;

**д) 2025/2026 ўқув йили якунида** тажриба-синов тариқасида мактабларда ташкил этилган педагогик синфлар фаолияти натижадорлиги бўйича таҳлилий маълумотлар асосида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

е) тажриба-синов тариқасида ташкил этилган педагогик синфларда ўқув-тарбия жараёнининг тизимли назоратини ўрнатсан.

5. Мактабларда тажриба-синов тариқасида ташкил этиладиган педагогик синфлар фаолияти самарали ташкил этилишига Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари бошлиқлари ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва педагогика олий таълим муассасалари ректорлари шахсан масъул ҳисобланади.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири Ҳ.Ў. Умарова ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил 29 апрелдаги 242-сон қарорига  
илова

**Умумий ўрта таълим муассасаларида педагогик синфларни ташкил  
этиш ва битириувчилари бандлигини таъминлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом умумий ўрта таълим муассасаларида (кейинги ўринларда – мактаб) педагогик синфларни ташкил этиш ва уларда ўқувчиларга таълим бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом айрим фанларга ихтисослаштирилган, танлов фанлари жорий этилган ҳамда нодавлат умумий ўрта таълим, вариатив ўқув режаси асосида ўқитилиладиган синфлар учун татбиқ этилмайди.

3. Педагогик синфлар ташкил этилладиган мактаблар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Педагогик синфлар мактаб педагогик кенгаши ва педагогика олий таълим муассасаси кенгашининг қарорлари асосида ташкил этилади.

4. Педагогик синфлар 10 ва 11-синфларда йўлга қўйилади ҳамда ўқувчилар касбий таълим йўналишида ўқув режасида ажратилган соатлар ҳисобидан ўқитилилади.

5. Ўқувчилар педагог касбига лаёқати ва қизиқиши мавжуд ўқувчилар орасидан саралаб олинади ҳамда мактаб педагогик кенгаши тавсияси асосида директорнинг буйруғи билан педагогик синфларга қабул қилинади.

6. Ўқувчилар педагогик-психологик ташхис натижаларидан келиб чиқиб, ота-оналар розилиги, ўқувчининг қизиқиши асосида саралаб олинади.

7. Мактабга бириктирилган педагогика олий таълим муассасаси педагогик синфларда ўқув-тарбиявий жараёнларни сифатли ташкил этишга масъул ҳисобланади.

**2-боб. Педагогик синфларни ташкил этишнинг  
мақсади ва вазифалари**

8. Ўқувчиларда бошлангич педагогик-психологик билим ва кўнималарни шакллантириш, педагог касбини онгли танлаш учун шароит яратиш, педагог касбига қизиқиши ошириш ва унинг мақомини жамиятдаги ўрни тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтириш педагогик синфларни ташкил этишнинг мақсади ҳисобланади.

9. Педагогик синфларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

педагогика олий таълим муассасалари ёки профессионал таълим муассасаларида таълим олишни давом эттириш истагида бўлган ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантириш;

ўқувчилар томонидан бошлангич педагогик-психологик билим ва кўникмалар ўзлаштирилишини таъминлаш;

ўқувчиларда педагогик фаолият тўғрисида яхлит тасаввурларни шакллантириш, педагог касбини онгли англаш ва бу касбга ўзининг келажагини боғлаш бўйича методик ёндашувларни амалга ошириш.

### **3-боб. Педагогик синфларда таълим мазмуни**

10. Педагогик синфларда ўқув жараёни 10-11-синфларда қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) ўқишининг биринчи йили (10-синф)да:

ўқувчиларда педагог касбининг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тасаввурлар кенгайтирилади;

педагог касбининг қадриятлари, педагогнинг нутқ маданияти, замонавий педагог фаолиятига қўйиладиган талаблар, унинг имижи ва одоб-ахлоқи тўғрисида тушунчалар берилади;

тарбиячининг касбий сифатлари, замонавий тарбиячининг маънавий қиёфаси, ёрдамчи тарбиячининг касбий тайёргарлиги ҳақида билимлар берилади;

б) ўқишининг иккинчи йили (11-синф)да:

ўқувчиларнинг педагогика, психология, ўқув ишлари методологияси соҳасидаги бошлангич билимлари ривожлантирилади ва чуқурлаштирилади;

педагогика фани ва амалиётининг замонавий тенденциялари, таълим стратегиялари ва моделлари ўргатилади;

педагог фаолиятида ноанъянавий методларнинг аҳамияти, таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш ва технологиялаштириш ўргатилади;

тарбиячининг болаларни тарбиялашдаги шахслараро муносабат маданияти, шахснинг руҳий (психик) хусусиятлари, тарбиячининг хулқ-авторини белгиловчи педагогик хусусиятлари, тарбиячининг педагогик қобилияти тушунчалари ва кўникмалари ўргатилади;

ўқувчиларга индивидуал психологик маслаҳат бериш орқали психологик ва педагогик қўллаб-қувватлаш ташкил этилади;

ўқувчиларнинг танишув амалиётлари ташкил этилади.

11. Педагогик синфларда дарс жараёнлари интерфаол маъруза, амалий масалаларга бағишлиланган семинар-тренинг, маҳорат сабоқлари, кичик гурухларда ишлаш, мактабнинг тажрибали ўқитувчиларига “устоз-шогирд” тамойили асосида бириктириш, дарсдан ташқари машғулотлар каби шаклларда ўтказилади.

#### **4-боб. Ўқувчиларни касбий ташхислаш ва педагогика соҳасига йўналтириш**

12. Мактаб ва педагогика олий таълим муассасалари томонидан ўқувчиларнинг педагог касбига мойиллиги ўрганилади ҳамда уларни педагог касбига йўналтиришда қуидагилар амалга оширилади:

педагогик синфлар ташкил этиладиган мактабларда 7-синфдан бошлаб ўқувчиларнинг қизиқишлиари ва касбий лаёқатини аниқлаш бўйича сўровномалар ўтказиб борилади;

педагогика соҳасига қизиқиши бор 8-9-синф ўқувчилари учун педагогика олий таълим муассасаларига экскурсиялар ташкил этилиб, маҳорат дарслари ўтказилади;

педагогика соҳасида ва ўқитувчилик касбида муваффақиятга эришган, эл ардоғидаги инсонлар билан “Касбим-фаҳрим”, “Биринчи ўқитувчим”, “Устоз отангдек улуғ” мавзуларида давра сұхбатлари ташкил этилади;

9-синф ўқувчиларининг касбий мойиллиги бўйича ўтказилган психологик ташхислар, сўровнома ва тестлар натижалари асосида педагог касбига қизиқиши бор ўқувчилар аниқланиб, педагогик синфларда ўқишига йўналтирилади.

13. Сўровнома ва ташхис тест топшириқлари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тасарруфидаги Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази томонидан тайёрланади.

#### **5-боб. Педагогик синфларда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш**

14. 10-синфдан педагогик синф фаолияти йўлга қўйилади ҳамда унга 25 нафардан кўп бўлмаган ўқувчилар қабул қилинади. Талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, қўшимча педагогик синфлар ташкил этилиши мумкин.

15. Педагогик синфлардаги ўқувчиларга икки ўқув йили давомида жами 136 соатлик педагогик касби билан боғлиқ ўқув дастури асосида таълим берилади. Ўқув жараёни билан боғлиқ бошқа масалалар таянч ўқув режаси ва дастурига мувофиқ белгиланади.

16. Педагогик синфларда дарс ўтиш учун жалб этилган профессор- ўқитувчиларга мактаб таянч ўқув режасининг касбга таълим йўналишидаги соат ҳисобидан соатбай ҳақ тўланади.

17. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда қуйидаги вақт меъёрларига амал қилинади:

ўқув йилининг давомийлиги – 34 ҳафта;  
дарс машғулотининг давомийлиги – 45 дақиқа;  
дарс машғулотлари оралиғидаги танаффуснинг давомийлиги – 5 - 10 дақиқа.

18. Ўқувчиларнинг педагог касбига оид билим ва кўникмаларини аниқлаш ва назорат қилиш мақсадида қуйидаги назорат турлари амалга оширилади:

**жорий назорат** – чорак давомида тақдимот, лойиҳалаштириш, гуруҳларда ишлаш, савол-жавоб, муҳокама, ёзма иш кўринишида амалга оширилади;

**оралиқ назорат** – чорак ва ярим йиллик якуни бўйича ўқув дастурининг маълум бир мантиқий якунланган қисми тугаганидан сўнг амалий кўникмаларни тақдимот қилиш ёки ёзма иш кўринишида амалга оширилади;

**босқичли назорат** – ўқув йили якуни бўйича амалий имтиҳон, ёзма иш, лойиҳалар ва ишланмаларни тақдимот қилиш ҳамда тест синовлари кўринишида амалга оширилиб, унга асосан ўқувчининг якуний баҳоси аниқланади;

**якуний назорат** – ўқувчи педагогик касбий таълим бериш жараёни тугаганидан сўнг педагогик синфда эгаллаган билим ва кўникмаларни амалий намойиш этиш орқали якуний давлат аттестациясидан ўтказилади.

19. Жорий, оралиқ, босқичли ва якуний назоратларнинг баҳолаш мезонлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

20. Ўқув жараёнининг назорати мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан амалга оширилади.

21. Педагогик синфи муваффақиятли тамомлаган битирувчиларга ушбу Низомга иловага мувоғиқ намунаидаги Ўзбекистон Республикаси Миллий малакалар рамкасининг 2-даражасидаги сертификат “kasb.maktab.uz” платформаси орқали электрон шаклда берилади.

Сертификатга эга бўлган педагогик синф битирувчилари мактабгача таълим ташкилотларида тарбиячи ёрдамчиси лавозимида ишлаш ҳуқуқига эга бўлади.

22. Якуний назоратдан ўта олмаган ўқувчилар учун қайта якуний назорат жорий йил август ойида ташкил этилади. Қайта якуний назоратдан ўта олмаган ўқувчиларга қўшимча имконият ва сертификат берилмайди.

23. Педагогик синф фаолияти ҳамда дарс самарадорлиги учун жавобгарлик мактабга бириктирилган педагогика олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан белгиланган масъулга юкланди.

24. Педагогик синф фаолияти устидан умумий назорат мактаб директори ва педагогика олий таълим муассасасининг ўқув ишлари бўйича проректори томонидан амалга оширилади.

### **6-боб. Якунловчи қоидалар**

25. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

26. Педагогик синфлар фаолияти ташкилотчиларнинг коллегиал органи қарори ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг буйруғи асосида тутатилади.

Умумий ўрта таълим муассасаларида  
педагогик синфларни ташкил этиш  
ва битирувчилари бандлигини таъминлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
илова

**Умумий ўрта таълим муассасасида педагогик синфларни  
тамомлаганлик тўғрисидаги сертификатнинг давлат намунаси тавсифи**

Умумий ўрта таълим муассасаларида касб эгаллаган педагогик синф  
битирувчиларига электрон сертификат А4 (297x210мм) ўлчамли кўринишга  
эга.

Унинг юқори қисмига “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI, REPUBLIC OF  
UZBEKISTAN” сўзлари 24 шрифт ҳажмида ёзилади ва марказига Ўзбекистон  
Республикаси Давлат гербининг 30 мм диаметрли тасвири туширилади.

Қуйи қисмига “SERTIFIKAT” сўзи кўк рангда 48 шрифт ҳажмида,  
“CERTIFICATE” кўк рангда 24 шрифт ҳажмида ёзилади. Сертификатда  
S ҳарфи ва саккизта рақамли тартиб рақами ва матнлар 14 шрифт ҳажмида  
ёзилади (*фамилияси, исми, отасининг исми, таълим муассасаси сўзлари  
10 шрифт ҳажмида ёзилади*) ва электрон сертификат мактаб директорининг  
электрон рақамли имзоси (QR-код) билан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги  
томонидан сертификатнинг давлат намунаси ва тавсифига ўзгартириш ҳамда  
кўшимчалар киритилиши мумкин.

Умумий ўрта таълим муассасасида педагогик синфларни  
тамомлаганлик түғрисидаги сертификатнинг  
ДАВЛАТ НАМУНАСИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

REPUBLIC OF UZBEKISTAN



S E R T I F I K A T  
*CERTIFICATE*  
S № 00000000

(familiyasi, ismi, otasining ismi / surname, given name(s), patronymic)

20\_\_\_\_-20\_\_\_\_ - o'quv yili davomida /during the academic year  
viloyati \_\_\_\_\_ tumani (shahar)dagi \_\_\_\_\_ - son mакtabda pedagogik sinfni  
(ta'lim muassasasi / educational organization)  
Maktabgacha ta'lif tashkilotlarida tarbiyachi yordamchisi  
kasbi bo'yicha o'quv soatlarini tamomlab, ixtisoslik berildi / having completed training hours by profession,  
he/she was awarded a specialty

Direktor / Director

(familiyasi, ismi, otasining ismi / surname, given  
name(s), patronymic)



Berilgan sana / Date of  
issue

